

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ САНЬЯТИ**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Адабиёт  
бўлими илмий ҳодимаси: Юлдашева X*

Эрамиздан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг анчагина қисми Ахамонийлар подшолиги таркибига кирди ва деярли икки юз йил мобайнида унинг таъсирида бўлди. Шу давр мобайнида Ўрта Осиё халқлари Ахамонийлар давлатига кирган халқлар билан яқин муносабатда бўлди, улардан таъсирланди. Шунингдек, уларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Эрамиздан аввалги VI-IV аср Ўрта Осиё меъморлиги ҳақида Кўзали қир, Каллали қир (Ўзбекистон), Эрка қалъа (Туркманистон) меъморчилик мажмуалари қолдиқлари таассурот беради. Сўзиз бу меъморчилик мажмуалари аввалги давр анъаналарини давом эттириш асосида юзага келган. Улар қалин девор билан ўраб чиқилган, дарвоза ва миноралари мавжуд бўлган. Уларнинг марказида сунъий тепалик бўлиб, унда сарой ёки ибодатхона жойлашган. Саройлар учун ишлатилган устунлар кўп ҳолларда капителлар билан тугалланган.

Эрамиздан аввалги VI-IV аср меъморлиги намуналарининг илк намунаси Хоразмдаги Каллали қир сарой қолдиқлариидир. Саройнинг асосий қисми квадратга яқин бўлиб (75x80 м) унга шарқ ва жанубдан ҳовлилар туташган. Шу ҳовлиларнинг сўнгтисида бинога кириш учун мўлжалланган асосий дарвоза бўлган. Сарой хоналари эса, одатда, ички икки ҳовли атрофида жойлашган. Сарой томлари текис қилиб ёпилган. Устунлар узун тўсинларга мустаҳкамлик берган ва таянч вазифасини ўтаган. Бино устунлари тепага кичрайиб борувчи тўртбурчак ва айланалардан ташкил топган тагкурсига ўрнатилган бўлган ва улар тошлардан ишланган. Устунлар эса ёғочдан ишланган бўлиб, унинг капители бургут бошли грифонлар билан безатилган. Каллали қир сарой планировкаси ва кўриниши, устунларнинг характеристи бевосита Ахмонийлар



даври меъморлигини эслатади. Эрамиздан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиёдаги бадиий ҳаёт маданиятни тушунишда Амударёнинг юқори оқими томонидан топилган «Амударё бойлиги» (Окс бойлиги) муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда Лондондаги Британия музейида сақланаётган бу ёдгорликлар ичида олтиндан ясалган ҳайкаллар, турли қўза, билакузук, узук, муҳр, тангалар, ясалган аравача ва қуроллар дикқатга сазовордир. Бу буюмларда учрайдиган тасвиirlар бир мунча шартли бўлса ҳам лекин ниҳоятда ифодали ишланганлиги билан ажралиб туради. Деталлари аниқ ва тугал ишланиши билан тавсифланади. «Жангчи -сак» бўртма тасвирида шу фазилатлар мужассамлашган бу ёдгорликларининг қаерда ишланганлиги ҳақида маълумот йўқ иккинчи томондан уларнинг ишланишида ҳам бир хиллик етишмайди. Бу топилмаларнинг айримлари марказий Эронда, бошқа бирлари эса Ўрта Осиёнинг шимолий томон еридаги ҳалқ ва элатлар томонидан ишланганлиги ёки уларнинг кучли таъсири борлигини айтиш мумкин. Жумладан скифлар санъати анъаналари яққол кўзга ташланади. Бу ёдгорликлар ичида грек усталари ишлаган узук-муҳр ҳамда ҳайкалларнинг мавжудлиги ҳам Ўрта Осиё бадиий ҳаёти ва интилишининг кенглигидан далолат беради. Бу асарларни қаерда ким томонидан яратилганлигини айтиш қийин бўлгани ҳолда уларнинг Ўрта Осиё тупроғидан топилиши, сўзсиз унинг атрофидаги мамлакатлар билан яқин алоқада бўлганлигидан далолат беради, нафис буюмларга интилиш кучли бўлганлигини кўрсатади.

Эрамиздан аввалги VI - IV асрларга оид қулолчилик буюмлари шу даврнинг бирмунча мўл фактик материаллариидир. Ўрта Осиё ерларидан топилган кўпгина сопол буюмлар қулолчилик дастгоҳларида ишланган, маҳсус печларда пиширилган. Улар шу асрларда ҳунармандчилик юксак бўлганлигидан далолат беради. Булар ичида геометрик нақшлар солиниб безатилган идишлар айниқса дикқатга сазовордир.

Марказий козоғистон қабрларидан уч оёқка ўрнатилган бронзадан ясалган қозонлар топлиганди. Эрамиздан аввалги VI-IV асрларда ишланган бу



қозонларнинг теппа қисми хайвонлар тасвири кўпроқ тоғ эчкиси хайкали билан безатилган. Марказий козоғистон ерларидан топилган тақинчонларда ёввойи қуш, кийик ва эчки тасвирлари учрайди. Бу тасвирларда ҳайвон ва қушларнинг энг характерли белгилари ҳаракат пайтида кўрсатилади. Аксинча, ҳажмли думалоқ ҳайкалларда (асосан, улар амалий санъат буюмларининг ажралмас қисми бўлган) ҳайвонлар ҳаракати оғир ва вазмин бўлиб, улар кўп ҳолларда соат стрелкаси ҳаракатида кўрсатилади.

Македониялик Искандар Зулқарнайн эрамиздан аввалги IV асрларда Ахмонийлар давлатини тор-мор этиб Ўрта Осиё ерларининг кўпгина қисмини ўзига қаратиб олди. Факат Хоразм, Фарғона ва Сирдарё бўйидаги кўчманчи қабилаларгина ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Искандар Зулқарнайн босиб олган ерларида ҳамма халқларни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, у ўз атрофига юнонлар билан бирга маҳаллий шарқ зодогонларини, бойларни ҳам жалб эта бошлади. Аралаш никоҳларни маъқуллади. Ўзи ҳам шунга амал қилиб, Бақтрия маликаси Роксанага (Ракшонага) уйланди. Савдо-сотиқ ишларини ривожлантирди, шаҳар қурилишига эътибор берди. Бақтрия, Сўғ ва Парфияда қатор шаҳарлар барпо этди. Санъат ривожига ҳомийлик қилди. Лекин унинг давлати узоқча чўзилмади. Вафотидан сўнг унинг империяси парчаланиб, ўрнида қатор давлатлар юзага келди. Макидонский империясининг шарқий қисмини узоқ вақт унинг саркардалари идора қилди. Ўрта Осиёning эллинистик дунёга тортилиши унинг санъати ва маданиятида жиддий ўзгаришларни юзага келтирди. Бу ўзгаришлар меъморлик, амалий ва тасвирий санъат мазмуни ва ҳарактерида намаён бўла бошлади. Ўрта Осиёning эллинистик давридаги меъморлиги ҳарактери унинг жанубий районларида сезилади. Бу даврда қурилган бинолар ҳарактерида ахмонийлар даври меъморлиги услублари билан бирга юноно санъати анъаналари мавжуд. Айниқса, биноларнинг декоратив безалишида шу ўзига хослик кўзга ташланади. Устунлари юонон классик формасида ишланган бўлиб, коринф капителлари тошдан ишланган тош устун ва базадан ташкил



топган. Сарой хоналари плястрлар билан безатилган. Сарой учун безак сифатида шер ниқоб, томни безаб турувчи палметкали антисфинклар ишлатилиши ҳам характерлидир. Лекин саройни қуришда махаллий материал-хом ғишт, пахса ишлатилган, томлари текист қилиб ёпилган. Тожикистоннинг жанубида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида ҳам шу даврга оид меъморчилик ёдгорлиги мажмуаси қолдиқларида юқорида кўриб ўтилган хусусиятлар ўз ифодасини топган. Бундай ўзгаришларни Македонский босиб олган ерларда вужудга келган Юнон-Бақтрия, Парфия подшоликлари санъатида ҳам кўриш мумкин. Эрамиздан аввалги 250 йилларда Салавкийлар подшолигидан ажралиб чиқкан Бақтрия кейинроқ Ҳиндистон ерларининг катта қисмини ўзига қаратиб олиб, эрамиздан аввалги II асргача мавжуд бўлди. Бу давлатга юононлар подшолик қилгани учун унинг номи Юнон-Бақтрия деб юритилган. Шу подшоликда юонон санъати таъсири яққол сезилади. Юонон тарихчилари Юнон-Бақтрияни 1000 шаҳри бор ўлка деб таърифлашган. Бу сўзсиз, мамлакатда шаҳар қурилиши интенсив бўлганлигини билдиради. Хақиқатда ҳам бу даврда Юнон-Бақтрия ерларида мавжуд шаҳарлар кенгайтирилди, одамлар яшайдиган катта бўлмаган ахоли масканлари шаҳарга айлантирилди. Янги шаҳарлар аниқ тўртбурчак ёки квадрат шаклида қурилиб, атрофи қалин девор билан ўраб чиқилди, тўртбурчаксимон миноралар бунёд этилди. курилган биноларда сержило коринф ордери кенг қўлланилди. Юонон санъати таъсири шу даврда забт этилган тангаларда ва уларда ишланган бўртма тасвиirlардан ҳам сезилади. Тангалар юзасига ўнг томонга қараб турган подшоларнинг тасвири туширилган, орқа томонида Юононистон афсонавий қаҳрамонлари тасвири ва ёзув мавжуд. Бу ҳар икки тонмон тасвирида эллинларни санъати анъаналари сезиларли. Бу тасвиirlар, айниқса, подшоларнинг миниатюра портретлари ўзининг гўзаллиги билан тавсифланади. Бу хусусда подшо Дмитрий, Евкрадит портретлари алоҳида ўринни эгаллади. Дмитрий портрети шу давр санъатининг нодир ёдгорлиги саналади. Ҳайкалтарош бу



портретда тасвирланувчининг ўзига хос индивидуал қиёфаси ва тавсифини ифодали акс эттира олиши билан кишини ҳайратлантиради. Амалий санъатда ҳам Юнонистон санъатига тақлид қилиш ёки Юнонистон санъати намуналаридан фойдаланиш кенг авж олди. Махаллий усталар Юонон кулолчилик услубларидан ўз ижодларида кенг фойдаландилар. Антик мифология ва шарқ афсонавий қаҳрамонлари уйғунлигида янги типлар юзага кела бошлади. Шарқ ва ғарбнинг яқинлашувини Юонон-Бақтрия бошлаб берди, Парфия санъати ва давлатида ривож топди. Эрамиздан аввалги III аср ўрталарида Парфия давлати ўрта шарқнинг йирик давлатларидан бири сифатида танилди. Аршакийлар сулоласи бошқарган даврда эса жаҳондаги йирик давлатлардан бирига айланди. Парфия санъатини ўрганишда ҳам танга юзасига ишланган бўртма тасвирлар кенг ўринни эгаллайди. Бу тасвирларда Парфия подшоларининг бўртма тасвири антик бўртма тасвир услубида зарб қилиндган, лекин подшолар кўрин ишида маҳаллий этник тип акс этган Парфия санъатини тушунишда Ашхобод яқинида археология қазишлар натижасида очилган Парфияни йирик шаҳарлари деб хисобланган Ниса (Парфниса) алоҳида ўринни эгаллайди. Эски Ниса ва Янги Ниса деб аталадиган бу кўхна шаҳар қолдиқлари ҳамда у ердан топилган амалий-декоратив ва тасвирий санъат буюмлари ўша давр ҳаётини тушунишда бебаҳо ишончли манба хисобланади.

Эски ва Янги Ниса Парфия даврида қалъа ва шаҳристондан иборат битта шаҳарни ташкил этган. Бу ерда Парфия подшосининг саройи, ғалла, озиқ-овқат омбори ҳамда зодогонларнинг сағаналари бўлган. Бу ерда очилган «квадрат уй» ўз тузилиши ва безашда ишлатилган декоратив деталлари билан диққатга сазовордир. Бу меъморлик ёдгорлиги квадрат шаклида бўлиб, унинг хоналари ўртадаги катта очиқ ховли атрофида жойлашган. Шу «квадрат уй» хоналарининг бирида мармар хайкалларининг деталлари ҳамда Афродита боши ва икки аёл хайкали топилган. Бу топилмалар ўзининг ишланиш услуби ва ҳарактери жиҳатидан антик



ҳайкалтарошларнинг асарларини эслатади, лекин этник тузилиш жиҳатидан оз бўлсада махаллий шарқ аёлларига хос баъзи сифатларнинг мавжудлиги хайкални махаллий номаълум хайкалтарош яратган бўлса керак, деган фикрни уйғотади.

Нисадан топлиган ёдгорликлар ичида кора денгиз соҳилидан келтирилган буюмлар (масалан, кора денгиз антик шаҳарларида зарб этилган тангалар), ҳар хил амалий-декоратив санъат намуналари ҳамда ҳайкалчалар ҳам (масалан, эрот хайкалчаси) бу ернинг бадиий хаётини тушунишда муҳим роль ўйнайди. Нисадан топилган ёдгорликлар ичида фил сугидан шохга ўхшатиб ясалган идишлар-ритонлар хақиқий шов-шувга сабаб бўлди. Ҳажм жиҳатидан каттагина (баландлиги 40-60 см) бўлган бу ритонларнинг уч томонида афсонавий ҳайвонларнинг яrim белигача ҳайкали ишланган. Ритоннинг теппа қисми эса бўртма тасвир-фриз билан ҳалқаланган. Бу бўртма тасвирларда кўпроқ антик мифологиядан олинган воқеалар, қурбонлик олиб келиш, раққосалар ёки антик худоларнинг бўртма тасвирлари ишланган шуниси характерлики бу бўртма тасвирлар ўз мавзуси жиҳатдан антик воқеаларга бағишлангани ҳолда, ишланиш услубида гантхара санъати мактабининг таъсири борлиги сезилади. Бу тасвирланувчиларнинг ишланиш услуби, кийим кийиш характерида кўринади.

Янги асрнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида жиддий жонланиш бошланди. Ундаги қатор маданий марказларда санъат ва маданият борасида муҳим ёдгорликлар яратилган. Шундай маданий марказлардан бири Хоразм эди. кўйқирқилган қалъа, Гуяр қалъа, Тупроқ қалъа харобалари, у ерлардан топилган тасвирий ва амалий санъат намуналари шу даврларда (илк феодализм, яъни V асрга қадар) Хоразмда ижтимоий ҳаётнинг бирмунча интенсив бўлганлигини қўрсатади. кўйқирқилган қалъа (Тўрткўлнинг шимолий-шарқий қисмидан 22 км узоқликда) эрамиздан аввалги IV-III асрларда барпо этилган бўлиб, у ўзига





хос композицияга эга. У дастлаб думалоқ шаклда бўлиб, унинг марказида диаметри 44,4 м ли мкм қаватли бино ундан 14,5 м ўзокликда эса мудофаа деворлари бўлган. Бу девор кейинчалик мудофаа галереясига айлантирилиб, теппа қисми равоқли том билан ёпилган. Бу ердан топилган кулолчилик буюмлари ҳам шакл жихатдан ранг-баранг. Сополдан ишланган сув идишлари турли кўзалар жуда нафис қилиб ишланган бу кўзаларнинг баданлари хайвон шакллари билан, юзаси эса ҳаётий воқеаларни акс эттирувчи бўртма тасвиirlар билан безатилган. Кумиши маросими билан боғлиқ бўлган сополдан ясалган оссуарийлар ҳам диққатга сазавор. кўйқирқилган қалъа яқинидан топилган оссуарийлардан бирида қути устида ўтирган эркак ҳайкали ишланган. Бу ҳайкалнинг бош қисми жонли чиққан ва Ўрта Осиё одами типини ифодалайди.

Гяур қалъа сарой қолдиқлари ҳам диққатга сазовордир. Бино анъанавий Ўрта Осиё услуби-пахсадан қуриш анъанасига асосланган бўлиб, девор юзаси ганч билан сувалган. Асосий хонада, айниқса, қабулхона нухоятда серхашам бўлиб, у деворий суръатлар билан безатилган. Ҳайкалтарошлиқ асарлари ҳам хона файзини оширишга хизмат қилган. Парча ва бўлакларда етиб келган суръат ва ҳайкалтарошлиқ наъмуналари қолдиқлари шу давр санъати ҳақида гапириш имкониятини беради. Ишланган ҳайкалларда тасвиirlанувчининг этник типи, ёши, ҳарактерини очишга интилиш сезилади. Шу хусусда қалъа хоналарининг биридан топилган «эркак боши ҳайкали» диққатга сазовордир. Номаълум ҳайкалтарош тасвиirlанувчининг юзидағи сўлғинлик ва қарий бошлаганлик аломатларини аниқ тасвиirlаб берган.

Даврнинг муҳим маданий ёдгорликларидан яна бир бу Тупроққалъадир. Бу меъморлик комплекси Ўрта Осиёда нодир ёдгорликлардан бири ҳисобланади. 12 м баландликка эга бўлган сунъий тепалик устига қурилган бу қалъа тўртбурчак шаклида бўлиб, 500x350 м майдонни эгаллайди. Майдон атрофи мустаҳкам девор билан ўраб чиқилган.



кальанинг шимолий-гарбидаги бурчак томонида Хоразм шохларининг саройлари жойлашган. Саройнинг маҳобатли уч минораси эса бутун қалъа кўринишига мустаҳкамлик баҳш этган. Унинг жиддий бўлиб кўринишини таъминлаган. Тупроққалъалари бир хил эмас тор йўлакчалар эгри равоқлар билан ёпилган, аксинча, катта хоналар нур-қудуқларга эга бўлган, мустаҳкам устунлар эса хона кенглигини ошириш учун,узун тўсинларга мустаҳкамлик бериш ёки уларни узайтириш учун ишлатилган. Сарой хоналари ҳайкалтарошлиқ ва ранг тасвир билан безатилган. кабулхона (мехмонхона) сербезак бўлган. Деворий сурат ва бўртма тасвирлар хонанинг кўркам ва гўзаллигини оширган. Лойдан ясалган ҳайкаллар девор бўйлаб қилинган супачаларга ўрнатилган. Супачалар жимжимадор панжаралар билан алоҳида хоналарга ажратилган. Ҳар бир хонада мустақил ҳайкалтарошлиқ композицияси бўлган. Бу ҳайкаллар қисман сақланиб қолган. Ўтирган ҳолда тасвирланган подшолар (натурал ўлчамдан икки марта катта), ён томондан турган ҳолда тасвирланган эркак, аёл ва болалар ҳайкали қўйилган. «Суворийлар зали» деб номланган хона деворида қолдирилган токчаларда подшолар ҳайкали қўйилган. Девор олдида эса қўлда қурол ушлаб турган жангчилар ҳайкали бўлган. «кайиқлар зали» деб номланган хонада ўсимликлар, пастроқ томонда натурал катталиқда кийикларнинг бўртма тасвири-барельефи ишланган. Тупроққалъадаги кичик хоналар фақат деворий суратлар билан безатилган. Шундай хоналардан бирининг деворида ишланган арфа чалувчи қиз сурати бизгacha бир мунча яхши сақланган.

I асрнинг бошларида Кушонлар давлати вужудга келган. Бу давлатга Кудзула Кадфиз бошчилик қилган. Унинг ўғли Кадфиз 2 эса бу давлат майдонининг хиндистон ерларига қадар етказилди. Канишка подшолик қилган йилларда эса Кушон давлати ўзининг гуллаган даврини бошидан кечирди. Кушонлар даврида Ўрта Осиёда Буддизим дини кенг тарқалди. Кушон ҳукмронлари ўз салтанатларини мустаҳкамлаш учун бу диндан фойдаландилар. Уни омма орасига сингдиришга ҳаракат қилдилар.



Хукмдорларнинг бу интилишлари шу давр санъати маданиятида ҳам ўз ифодасини топди. Буддизм билан боғлиқ бўлган ибодатхоналар вужудга келди, ҳайкаллар яратилди, деворий суратлар ишланди.

Кушонлар даврида ижтимоий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар бизгача етиб келган тангаларда ҳам намаён бўлди. Бу танга юзларига подшолар сурати зарбланган, орқа томонига худолар тасвири туширилган. Ёзувлар эса кушон-бақтрия тилида бўлиб, ёзиш учун кушон ҳарфлари (юонон алфавит асосида яратилган) ишлатилган. Кушон даври санъатини билишда Холчаёнда (Сурхондарё вилояти) сақланиб қолган бино қолдиқлари ҳам тасвирий ва амалий санъат намуналари муҳим ўринни эгаллайди. Бу ерда бино шарққа қараб қурилган бўлиб, унинг олд томонидан олти устунли айвон бўлган. У ерда асосий хона-катта залга ва икки устунли хонага кирилган. Бино ҳом ғиштдан қурилган. Устунлар ёғочдан ишланган бўлиб, улар тош такликка ўрнатилган. Бинонинг томи текис ёпилган. Том чеккалари черепица ҳамда антификс билан, хоналар эса деворий сурат ва ҳайкаллар билан безатилган. Деворий суратлардан айрим тамодифий бўлакчалар ёмон ҳолда бизгача етиб келган. Булар ичида йигит бош сурати, узум новдалари бирмунча билинади. Холчаёндаги бинони безашда ҳайкаллар кенг қалланилган. Бу ҳайкаллар хоналар деворининг юқори қисмига барельеф ва грельеф услибида бажарилган. Унда подшо ва унинг яқинлари, шунингдек, отлиқлар тасвири ишланган. Бу ҳайкалларда Юонон-Бақтрия санъатига хос хусусият-ҳар бир тасвирланувчининг ўзига хос шахсий хислатларини кўрсатишга, кийимлари, қуролларини аниқ тасвирлашга интилиш сезилади. Номаълум ҳайкалтарош тасвирланувчининг соч тараши, кийимбош характеристининг ҳам аниқ бўлишига, психологик ҳолатини ифодалашга интилади.

Кушонлар даврида буддизм билан боғлиқ бўлган меъморлик композициялари юзага келди. «Зурмалақалъа» деб ном олган эски Термиз яқинидаги меъморлик қолдиғи шу ўринда муҳимдир. Тўртбурчак





шаклидаги тагликка тепа томони яримсфера тарзида тугалланган цилиндрический ступа қурилган. Миноранинг қозон шаклидаги тепа ва силиндр шаклидаги асосий устун қисми чегараси карниз билан ажратилган. Миноранинг таги оқ, тепадаги ярим айлана шаклидаги қисми қизил тош плиталари билан, асосий устун қисми эса пишиғи билан пардоzlанган бўлиши эҳтимоли бор.

Ўрта Осиёда буддизмни тарқалиши бевосита ҳайкалтарошлиқда ҳам ифодаланади. Будда, бодисатва ва бошқа диннинг рохибларнинг ҳайкаллари ибодатхоналарнинг олди ва ичкари қисмидан ўз ўрнини эгаллади. Бу ҳайкалларни ишланиш услуби Ҳиндистонда яратилган канонларга асосланган.

Далварзин тепа ва қора тепадаги буддизм ибодатхонларидан топилган ганч ҳайкаллар ҳам юқорида кўрсатилган хусусиятларга эга. Бу ҳайкаллар натурал катталиқда ишланган ва реал характерга эга. Ҳайкалтарош махаллий типларнинг ўзига хос томонларини кўрсатишга ҳаракат қиласи. Бу уларнинг кўриниши, соч тараш ва кийинишиларида сезилади. коратепада олиб борилган археологик ишлар буддизм билан боғлиқ меъморлик мажмуасини очилишини таъминлади. Бу ерда очилган гор-ибодатхоналарнинг безатилиши, у ерда мавжуд бўлган ҳайкал ва деворий суратлар диққатга сазовордир. Жумладан номаълум рассом томонидан ишланган деворий суратларда фазовий кенгликни ифодалашга, ҳажмини тасвирлашга интилиш сезилади.

#### *Адабиётлар:*

1. Афанасьев В., Луконин В., Померанцева Н. Искусство Древнего Востока. 1976. история искусства Древнего Востока. Л.1947, т.1-2.
2. Алпатов М.В. Всеобщая история искусства. Т. 1-2. М., 1948-1949
3. Архив.уз

